Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 29 сентябрь ● сешанба ● № 41 (658) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

«Обуна – 2010»

Газета ҳаммамизга етади.

Фақат обуна бўлсак кифоя!

Нашр кўрсаткичи – 137

Ислом КАРИМОВ:

...Ҳеч шубҳасиз, биз барчамиз, ёшимиз ва касбу коримиздан қатъи назар, қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Дил сўзи

Табаррук сиймо

Инсон ҳаётда ким бўлишидан қатъи назар, ота-онасини доимо азиз тутгани каби устозларни, унга илк сабоқ берган ўқитувчиларни самимий меҳр, соғинч билан эслайди. Киши ёдида ўқитувчи бир умрга табаррук сиймо бўлиб қолаверади. Шу маънода биз элимиз ардоғидаги таниқли ижодкорлар, жамоат арбобларининг болаликдаги илк мактаб таассуротлари билан қизиқдик ва уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик. Ўйлаймизки, бу саволларга ҳар бир инсон дилида энг самимий жавоблар, тилаклар бор.

1. 1-синфга қачон ва қайси мактабга боргансиз?
2. Илк ўқитувчингиз ким эди?
3. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тилакларингиз.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

1. Олти ёшимда биринчи синфга борганман. Уйимизга яқинроқ жойда эски мачитнинг биноси бўларди, биз болакайларга шуни мактаб қилиб беришган. Унга ҳозирги кўз билан қарасангиз, мактаб деёлмайсиз, жуда ибтидоий бир ҳолда эди.

2. Илк ўқитувчиларимиз содда, кўнгли очиқ, қанчалар яхши инсонлар бўлишган. У пайтлар қишлоқда ўқитувчидан бошқа зиёли йўқ эди. Шляпа кийиб, галстук таққанлар саноқлигина бўларди-да.

Ўнинчи синфни битирганлар мактабда устозлик қиларди, уларни кўрганда "Бу ўқитувчи" деб қўйишарди бир-бировига ишора қилиб. Биз учун улар бошқалардан кўра катта, улуғ эдилар. Устозларга мўъжизага қарагандай қарардик. Замонлар ўтиб зиёлилар қатлами кенгайди, тафаккур ниҳоятда юксалди.

3. Аввало, ҳар биримиз ҳеч қачон устозлар назаридан қолмайлик.Чунки энг самимий тилак ота-она ва устозлар тилагидир. Бу азиз инсонлар доимо катта эҳтиром кўриб, хурсандчиликда, ҳаётдан рози бўлиб яшасинлар. Азалий ҳурматлари зиёда, одамлар кўнглидаги мақоми баланд бўлаверсин.

Светлана ОРТИҚОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

1. Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги 34-сонли ўрта мактабда биринчи синфда ўқий бошлаганман.

2. Ўқитувчисиз дунёни тасаввур қилиб бўлмайди. Фикримча, менинг биринчи ўқитувчим отам ва онам ҳисобланади. Қолаверса, боғча тарбиячиси, мактаб ўқитувчиси ва олий ўқув юртида таълим берган устозлардир. Ҳар бир инсонга ўқитувчи сув ва ҳаводек зарур, шу боис мураббий олижаноб, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган Инсон бўлиши керак, деб биламан.

3. Дунёдаги энг машаққатли, айни пайтда шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий қутлайман. Уларнинг барчасига тинч-тотув ҳаёт, осойишталик, бахт ва омад тилайман.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси

1. 1939 йилда Катта тагоби қишлоғидаги мактабга биринчи синфга борганман, кейинчалик унинг ўрни экинзор бўлиб кетган.

2. Илк ўқитувчимиз Меҳмонали Турсунов ажойиб инсон эди. Эсимда, бир ҳафтагача парта талашган болакайларнинг жойини алмаштириб овора бўлганди, олдинги парталар талаш бўларди-да.

3. Ўзим ҳам ишимни муаллимликдан бошлаганман. Бу касб менга азиз ва қадрли. Ҳозирда мактаблардаги шароитлар беҳад даражада яхшиланиб, янгиланиб кетди. Албатта, юртимиз тараққиёти мактаблардаги дастлабки таълимдан бошланади. Азиз устозлар халқимиз фарзандларини буюк истиқболга чорлаш, келажакка тайёрлаш йўлида асло чарчамасинлар.

Абдулла ТАНГРИЕВ, Кураш бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, дзюдо бўйича Бутунжаҳон универсиадаси голиби, Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори, Пекин олимпиадаси кумуш медали соҳиби, Халқаро тоифадаги спорт устаси

1. 1-синфга 1988 йили Бойсун туманидаги 38-мактабга борганман.

2. Алифбодан сабоқ берган устозим — биринчи ўқитувчим Бўри Хидировдан бир умр миннатдорман. Спортда эришган ютуқларимда бу ажойиб инсоннинг ҳам хизматлари кўп.

3. Ўқитувчи-устозларсиз ҳеч ким ҳеч нарсага эриша олмайди. Мен буни ҳаётдан олиб айтаяпман. Бизга таълим-тарбия берган устоз ва мураббийларимиз бахтимизга соғ бўлишсин. Мен улар билан фахрланаман.

Беллашув

Билимдонлар баҳси

зеҳн-заковат, ҳуқуқий билим ва тафаккур намойиши

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурини шакллантириш, конституциявий билимларини мустаҳкамлаш, фикрлаш қобилиятлари ва нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, зукко ва заковатли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида **"Ҳуқуқ билимдонлари"** республика беллашувининг навбатдаги ҳудудлараро босқичи пойтахтимизнинг муҳташам Ўзбек миллий драма театрида бўлиб ўтди. Беллашув ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчиларидан иборат Тошкент шаҳрининг **"Ёш ҳуқуқшуносларр"** ва Сирдарё вилоятининг **"Ҳуқуқшуносслар"** ҳамда Тошкент вилоятининг **"Адолат"** гуруҳлари ўзаро куч синашдилар. Дўстона тарзда ўтган беллашувда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, бошқарма бошлиқлари, Олий Мажлис Сенатори М.Рустамбоев, ТДЮИнинг бир гуруҳ талабалари ва бошқа тегишли идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев тадбирни очар экан, беллашув қатнашчиларига келгусида ҳам доимо билимларини ошириб, зафар ва омадларга эришишини тилади.

Уч шартдан иборат бўлган мусобақада ҳар учала гуруҳ ҳам ўз иқтидорларини тўлиқ намоён эта олдилар. Айниқса, беллашувнинг биринчи шартида Тошкент вилояти **"Адолат"** гуруҳининг чиқиши қизғин таассуротга бой бўлди. Гуруҳ қатнашчилари саҳнада мамлакатимиз байроғини ўзгача бир шукуҳ билан тиз чўкиб ўлганда барчанинг қалбини фахр-ифтихор, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари чулғаб олди. Беихтиёр "Ватан байроғини ўпар ўғлонлар" деган жумлалар тилга келди. Тадбир давомида республикамизнинг ёш хонандалари қувноқ қўшиқлари билан қизғин ўтаётган беллашувга янада жўшқинлик ва кўтаринки кайфият бахш этди.

Ниҳоят, мусобақанинг сўнги шарти ҳам якунига етди. Ҳакамлар ҳайъатининг раиси ёш ва иқтидорли ҳуқуқшунос олим Улуғбек Ҳусаинов барча қатнашчиларни бугунги синовдан яхши ўтганлиги билан самимий табриклаб, беллашув натижасини эълон қилди. Тошкент шаҳрининг **"Ёш ҳуқуқшуносслар"** гуруҳи биринчи ўринга сазовор бўлди. Мусобақа иштирокчилари Адлия вазирлигининг I, II ва III даражали дипломлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари ва ҳуқуқий адабиётлар билан тақдирландилар.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

Қутлов

ХАБАРИНГИЗ БОР, ўтган ҳафтада мамлакатимиз пойтахтида "InfoCom-2009" – Ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги якунланди. Ушбу тадбир давомида "Энг яхши интернет сайти"ни аниқлаш мақсадида "Миллий "UZ" домени 2009" интернет фестивали ҳам ўтказилди.

Ғолиблик муборак!

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ **www.minjust.uz** сайти **"Оммавий овоз бериш якунлари бўйича энг яхши сайт"** номинациясининг мутлақ ғолиби деб топилди. Энг қизиғи, ушбу фестифалда 750 дан ортиқ веб-сайтлар иштирок этди. Шундай экан, давлат идораси веб-сайтининг мазкур танловдаги иштироки ва ғолиб бўлиши катта аҳамиятга эга, албатта.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Markaziy" меҳмонхонасида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги Ахборот хизматига фестиваль дипломи, эсдалик совғаси ва пул мукофоти топширилди.

Маросимда таъкидланишича, ушбу ютуқ барча адлия тизими ва ходимларига тегишли бўлиб, вазирлик сайти билан бирга ҳудудий бошқармалар ва тизимга кирувчи барча муассасалар веб-сайтларини ҳам шу даражага етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўйлаймизки, ушбу ғалаба ғолибларимизни яна янги марраларни забт этишга ундайди.

(Ўз мухбиримиз)

Яқин қариндошлар никоҳи

ирсий касалликлар ҳуружини кучайтиради

МУСТАҚИЛЛИК йилларида республикамизда оналар ўлими 2,1 марта, болалар ўлими эса 2,4 мартага камайди.

МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, 2006 йилда аёллар учун энг яхши шарт-шароитлар яратилган давлатлар рейтинги бўйича Ўзбекистон 125 та мамлакат орасида 19-ўринга, оналикни ҳимоя қилиш бўйича 27-ўринга эга бўлган. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши ва МДҲ доирасида энг юқори кўрсаткичдир. Бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом онани шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари кенг қамровли фаолиятимизда дастурилмал бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 1 июлдаги **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни камолга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"**ги Қарори давлатимиз томонидан аҳоли саломатлиги, фарзандлар камолоти юзасидан олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарорлари асосида никоҳдан ўтувчи ҳар бир келин-куёвни ирсиятга таъсир этувчи касалликлар бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, репродуктив саломатликнинг аҳамияти натижасида ногирон фарзандлар туғилиши ва она-бола ўртасидаги ўлим ҳолатлари кескин камайишида муҳим омил бўлди, десак янглишмаймиз. Халқимизнинг бебаҳо қадриятлари, гўзал урф-анъаналари бор. Буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳам ўз ўғилларига насли тоза, соғлом, маънавий-ахлоқий баркамол ва албатта, ўзга улуслардан келин олган. Бунда ҳикмат кўп.

Орамизда ҳанузгача яқин қариндошларнинг никоҳдан ўтиш ҳолатлари тез-тез учраб туриши сир эмас. Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, яқин қариндошлар турмуш қуришганда фарзанд ирсий касалликлар, ақлий заифлик ёки туғма нуқсон билан туғилиши хавфи камида икки баробар ошади. Бундай оилада дунёга келган фарзанднинг ё ўзи ёки болалари носоғлом туғилиши тайин. Афсуски, баъзилар буни яхши билса-да, амал қилмайди. Дабдабали тўйлар қиламиз, қимматбаҳо сарполар излаб, дўконлар кезамизу, фарзандларимиз саломатлиги ҳақида ўйлашга вақт топа олмаймиз. Бу борада кенг аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг аҳамияти беқиёсдир.

Бўка тумани ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан ирсий касалликларнинг олдини олиш, фарзандлар соғлом туғилиши ва соғлом оила барпо этиш мақсадида жорий йилнинг шу кунига қадар маҳаллаларда, қишлоқ марказий пунктларида, ўқув юртларида жами 3 мингга яқин турли тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, туман ФҲДЁ бўлими қошида "Она-бола дорилфунуни" ташкил этилган бўлиб, тиббиёт мутахассислари ўз иш режасига кўра, ёш оналар билан суҳбатлар ўтказиб туради.

Давлатимиз томонидан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш каби олий мақсад ҳамда бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар биз ФҲДЁ ходимларидан янада кўпроқ бурч ва масъулият талаб этади.

Насиба РАСУЛОВА,
Бўка тумани
ФҲДЁ бўлими мудири

Репродуктив саломатлик

— БОЛАМ, сўзимни икки қилма, синглингнинг гулдек қизи бор, шуни келин қил. Қўйнидан тўкилса, қўнжига, дейдилар. Мол-давлатингга еттиёт эгалик қилгунча, ўзингникига қолсин...

Қуда бўлиб, жудо бўлди

қариндошлар ўртасидаги шаърий никоҳнинг олдини олиш юз бериши муқаррар бўлган кўнгилхираликларга чек қўяди

— Онажон, тушунинг, қондошмиз, тўғри келмайди, — деди қиз жавобан.

— Яратганнинг ўзи асраса ҳеч гап бўлмайди. Бир сен эмас, опа-сингил қуда бўлган...

Волидаи муҳтарамасининг раъйини қайтара олмаган опа-сингил ноилож қуда бўлишди. Бироқ, қариндошлик, оға-инилик ришталарини маҳкам боғлаш учун қилинган бу хатти-ҳаракатнинг оқибати аянчли тугади. Қариндошлар ўртасида дунёга келган норасида ногирон туғилди...

Маълумки, Оила кодексида насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузилишига йўл қўйилмайди.

Қон-қариндошлик ўз ичига яқин, тўғри, ёнлама, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган тушунчаларни олади. Бобо-ота-ўғил-невараэваралар тўғри қариндош ҳисобланади. Ака-ука, опа-сингил ёнлама қариндош бўлади. Буларнинг фарзандлари ўзаро никоҳга киришлари, шунингдек, болаларни эмизиш туфайли вужудга келган сут қариндошлар, яъни кўракдошларнинг ҳам никоҳ тузишлари мақсадга мувофиқ эмас. Бу Оила кодексида аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

Тўғри, баъзи кишилар ўртадаги меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қавму қариндошлик, авлодлар ўртасида борди-келди йўқ бўлиб кетмасин, деган мақсадда яқинлари билан қуда бўладилар. Лекин охир-оқибат меҳр кўрғони пойдеворини мустаҳкамлаш ўрнига дили вайронликка дуч келишади.

Жойлардаги ФҲДЁ бўлими ходимлари аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик ва тиббий маданиятни ошириш, қариндошлар ўртасида эрта ва шаърий никоҳларнинг олдини олиш борасида давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар олиб борилади. Айтайлик, шу йилнинг июнь ойида Иштихон туманидаги Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Маиший хизмат касб-ҳунар коллежида "Соғлом она соғлом фарзанд кўради", ФҲДЁ бўлимида "Оила — дорилфунуни ўқувчиси", Тиббиёт коллежида "Оила маънавияти" мавзуида, Равот қишлоқ фуқаролар йиғинининг Суғот маҳалласида "Келинлар — оила фариштаси" мавзуида суҳбат, мулоқотлар ўтказдик. Туман ҳокимлигининг хотин-қизлар бўлими, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда маҳалла, мактаб ва коллежлар, корхона ва ташкилотларда давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Қариндош-уруғлик ришталарини қуда-андачилик билан эмас, балки ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат билан ҳам боғласа бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, қариндошлик риштасини янада мустаҳкамлаймиз, деган ниятда қуда-анда бўлиб, охир-оқибат бир-бирларидан бир умрга жудо бўлаётган опа-сингил, ака-ука, энг асосийси, катталарнинг айби билан ногирон туғилаётган бегуноҳ норасидаларнинг тақдири атрофдагиларга сабоқ бўлса, ёмон бўлмасди.

Раҳима УРАЛОВА,
Иштихон тумани
ФҲДЁ бўлими мудири

БУГУНГИ КУНДА тадбиркорларга ҳуқуқий замин яратиш билан бирга молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор солиқ имтиёзлари берилмоқда. Давлат солиқ хизмати ходимлари тадбиркорлар фаолиятини фақат назорат қилибгина қолмасдан, уларга тушунтириш ва солиқ қонунчилиги юзасидан маслаҳатларини бериб келмоқдалар.

Имтиёз ва имконият

кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар учун қўл келмоқда

Солиқ сиёсати

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2009 йил 26 январдаги **"Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорида қишлоқ жойларида замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ихчам корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринларини шакллантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Асосий эътибор қишлоқ жойларида озиқ-овқат маҳсулотларининг кундалик эҳтиёжи учун зарур турларини ишлаб чиқариш, мева-сабзавот маҳсулотлари, полиз экинларини етиштириш, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, мойли экинлар экишни ривожлантириш орқали ўсимлик ёғи тайёрлашга қаратилган. Мазкур соҳалар ривожини рағбатлантириш мақсадида тадбиркорларга солиқ ва божхона тўловларидан имтиёзлар бериш ҳам кўзда тутилган.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ 2012 йилнинг январигача "Мевасабзавоттайёрловсавдо" компаниялари ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Гўшт ва сутни қайта ишловчи кичик корхона ва микрофирмаларга амалдаги ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди.

Гўшт, сут маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишловчи корхоналарда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловларидан 2012 йилнинг 1 январигача озод этиш кўзда тутилган.

Республика бўйича 2009 йил давомида қўшимча равишда ёқилғининг муқобил манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхоналар сонини 67 тага етказиш режалаштирилган. Бугунги кунгача иссиқхоналар сони 39 тани ташкил этмоқда.

Қишлоқ шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги **"2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"**ги Қарори билан махсус Дастур қабул қилинди. Ушбу Дастурга биноан маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича иш олиб борадиган ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналарга фойда солиғидан, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланадиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мол-мулк солиғини тўлашдан 2011 йилнинг 1 январигача озод этилди. Шунингдек, Мазкур Қарорга асосан жорий йилнинг 1-ярмида мол-мулк солиғи бўйича жами 3947,3 минг сўм миқдорида солиқ имтиёзлари қўлланилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги **"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига асосан республикамизда 2009-2011 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар 2012 йилнинг 1 январигача фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилдилар.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбариининг 2009 йил 29 январдаги **"Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига асосланиб, янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йилнинг 1 январигача солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига (бюджетдан ташқари, пенсия жамғармасидан ташқари) мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига жами 30 та ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилиб, 686 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу янги ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш ташкилотлари билан тегишли корхоналар 2382,1 миллион сўмлик пудрат шартномаларини тузди. Жорий йил 1 июль ҳолатига ташкилотлар томонидан 437,1 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилди.

Ислом САЙДИКАРИМОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи

Даромадни кўпайтириш ҳам

солиқ қонунчилигининг мукаммал бўлишига боғлиқ

АЙНИ КУНЛАРДА туманимиз далаларида астойдил меҳнат қилаётган ёзёвонлик фермерлар, мазкур хўжаликларнинг кўзу қоши бўлган миришкорларимизни ҳар қанча олқишласак, эъзозласак арзийди. Зотан, улар бугунги фаровонлигимиз ва хотиржамлигимизнинг энг мустаҳкам устунларидан биридир. Шубҳасиз, фермерлар бугунги кунда қишлоқ тараққиётини таъминлашда етакчи кучга айланган.

Бу эса, айрим қишлоқ жойларида фермер хўжаликларининг ўз фаолиятларини юритишлари учун ечимини кутаётган баъзи бир муаммоларга тезроқ барҳам берилишига эришишни тақозо этади. Бу ҳақда Юртбошимиз 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини уқтирган эди.

Бу борада айрим ҳудудларда фермер хўжаликларини ташкил этиш соҳасидаги ишлар билан боғлиқ ахборотларни мувофиқлаштириб бориш-даги камчиликлар хусусида тўхталиб ўтиш мумкин. Зеро, бугунги кунда ахборотлардан фойдаланишнинг самараси катта. Бу соҳада туманимиз фаолиятини ташкил қилиш бўйича хўжалик юритишнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши учун уларни етарли даражада кўрсатма, йўриқнома ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш имкониятларини яхшилаш ходимларимиз зиммасидаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Буни яхши ҳис этган ҳолда инспекциямизнинг ҳар бир ходими айнан фермерлар билан ишлаш борасида алоҳида ишлаш тажрибасига эга. Шу орқали биз икки ўртада ўзаро ишонч муҳитини шакллантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Боиси, мақсадларимиз муштарак, у ҳам бўлса, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлигидир.

Хулоса шуки, фермерлик ҳаракатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юртимизда тўкинлик ва барака бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бунда, албатта, уларнинг самарали фаолияти асосий мезон ҳисобланади. Бундан буён фермерларимиз кўпроқ даромад олиши учун ўз фаолияти ҳуқуқий асослари — солиқ қонунчилигини мукаммал билишларини тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси яхлит тарзда қишлоқларимизда ўсиш, янгиланиш ва ўзгаришлар самараси сифатида намоён бўлади.

Умархон НИСБАТХОНОВ,
Ёзёвон тумани ДСИ бошлиғи

Журналист суриштируви

Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним

қабилида иш тутувчи айрим "ёшулли"лар ҳақида

БОЗОР — барибир бозор. Бозор шароитининг ўзига хос тошу тарозиси, тамойиллари бор. Гапнинг дангалига ўтадиган бўлсак, мухбирлик пунктимизга келиб тушган бир шикоят боис "бозор кезиб", ўзгача манзарага дуч келдик. Афсус.

ГАПНИ индаллосидан эшитинг. Ўтган ва ушбу йил Хоразм Ўрмон хўжалиги ташкилоти ҳар галгидек, эзгуликка бел боғлаб, вилоятимиз шаҳару қишлоқларини кўкаламзорлаштиришдек савоб ишларнинг бошида турди. Вилоят раҳбарияти ташкилотнинг бу соҳадаги ишини фаол қўллаб-қувватлади. Натижада хоразмлик ўрмончилар томонидан етиштирилган ва бошқа жойлардан харид қилиб олиб келинган ўн минг тупдан ортиқ япон саффороси, турфа хил манзарали дарахт ва анвойи гул кўчатлари буюртма ва эркин бозор талаблари асосида савдога чиқарилди. Ушбу кўчатлар воҳанинг кўплаб идора ва ташкилотлари, ҳатто кўпгина фуқаролар томонидан ҳам сотиб олинди. Хоразм ўрмончиларининг хайрли ишлари сирасига пахта ва ғалла етиштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳам киритиш мумкин. Ўтган ва жорий йилда жамоа аҳли воҳа ўрмонларини асраш ва сақлаш ва кўпайтириш билан бирга қарамоғидаги экин майдонларида ғўза ва буғдой ўстириб, давлатга 21,4 тонна пахта ва 7,6 тонна ғалла ҳам сотди. Бу ҳосил "Хоразм пахта саноат" бирлашмасининг "Янгибозор пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти ва "Хоразм дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятининг "Жайҳун" тайёрлов маскани томонидан қабул қилиб олинди. Сотилган ва топширилган ҳосил ҳамда маҳсулотлар пули миллион-миллион сўмларни ташкил этиши ўз-ўзидан аён.

Жамоа номидан келган шикоятда номи қарздор сифатида қайд этилган Янгиариқ ва Хонқа тумани йўл хўжалиги идоралари, "Боғот пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти, Хива тумани ободонлаштириш бошқармаси мазкур аризани текшириш жараёнида гарданидаги тўлов мажбуриятини тўла, Урганч туманидаги "Пахтакор" муқобил машинатрактор парки, Янгибозор туманидаги "Диёрбек-Ойбек" фермер хўжалиги қисман адо этганлиги маълум бўлди. "Диёрбек-Ойбек" фермер хўжалиги мутасаддиларининг айни кездаги саъй-ҳаракати зиммадаги қарзнинг қолган қисмидан ҳам тезроқ қутулишга қаратилганлигини илғаб олиш қийин бўлмади. Қанийди, қарзнинг оғир ва иснодли юкидан фурсат борида халос бўлишга қаратилган бундай тадбирни "Пахтакор" ММТП раҳбарияти ҳам амалга оширса?

Таассуф. Шикоятни текшириш асносида кўрабила туриб гарданидаги қарзини тўлолмаётганларга ҳам дуч келдик. "Хоразм пахта саноат" бирлашмаси ва унинг "Янгибозор пахта тозалаш" акциядорлик жамияти, "Хоразм дон" ташкилоти ана шулар тоифасидан бўлиб чиқди.

Ўрмончилар олдидаги 1 миллион 741 минг сўмлик қарзини тезроқ узиш масаласида вилоят "Пахта саноат" бирлашмасига расман мурожаат қилинди. Бирлашма "ёшулли"лари қарзни тўлаш у ёқда турсин, ҳатто мурожаатга жавоб қайтаришни ҳам ўзларига эп кўришмади. Бевосита қарздор ҳисобланмиш "Янгибозор пахта тозалаш" корхонаси бош ҳисобчиси А.Кўпаков, шунингдек, Янгибозор тумани ҳокимининг иқтисодиёт масалалари бўйича муовини 2009 йил 1 августгача тўлаш юзасидан ҳатто тилхат ҳам ёзиб беришди.

Мана, орадан яна икки ойча вақт ўтди. "Пахта саноат" бирлашмаси ва унинг Янгибозордаги корхонаси мутасаддилари эса муқаддам топширилган ва харид қилиб олинган хомашё пулини чўнтаклари тўрида ҳамон "авайлаб асрашаяпти".

Мана, бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳам аллақачон бошлаб юборилди. Олдинги йил тўловидан эса ҳамон дарак йўқ. Қизиқ. "Хоразм дон" АЖ бу йилги ҳосилни ҳам қабул қилиб олганига 4 ойга яқин вақт бўлаяпти. Аммо ўтган йилги қарз бўйнида турибди. Ҳафталар, ҳафталарни қувиб ойлар ўтаяпти. Солиштирма далолатномасида қайд этилган 1 миллион 680 минг сўмлик тўловдан эса ҳамон дарак йўқ. Бизнингча, оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним, дейишгани шу бўлса керак.

Қарзга кўникиш ҳолатларини иллатга таққосласа ўринли бўлади. Унга кўникканлардан қарзни муроса-ю, мадора билан ундириш амри маҳол ва бунда қонунгагина умид боғлаш мумкин. Иллат ҳам шундай: кесиб ташласагина битади. Ана шу "кесиш" усулини, балки Хоразм Ўрмон хўжалиги идорасини турли моддий қийинчиликларга рўпара этаётган қарздорларга нисбатан ҳам қўллаш маъқулдир. Тўғримасми?

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура: Меморандум ижроси амалда

Назорат

БАРЧАМИЗГА маълумки, 2009 йил жаҳон ҳамжамияти учун ҳақиқий синовлар йили бўлмоқда. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида бошланган иқтисодий ва молиявий инқироз жараёни ҳатто тараққий этган иқтисодий-ижтимоий тизимлар асосига ҳам жиддий путур етказмоқда.

УШБУ ШАРОИТДА Президентимиз томонидан пухта ва узоқни ўйланган изчил иқтисодий сиёсат ҳамда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойиллари ўзининг ҳаётийлигини яна бир бор намоён этмоқда.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қайси йўналиши бўлмасин, улар билан боғлиқ қонунлар ижросини назорат қилиш ва бажарилишини таъминлашда прокуратура органлари олдига улкан ва масъулиятли вазифалар қўйилган. Навоий вилояти прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ички ишлар ва прокуратура органлари томонидан вилоятда содир этилган жиноятлар бўйича 1480 та жиноят иши қўзғатилиб, уларнинг 1008 таси айблов хулосалари билан судларга юборилди.

Шу даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида вилоят прокуратура органлари томонидан 205 та текшириш ўтказилиб, 2850 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қўлланилган, жумладан, 42 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилган, фуқаролар манфаатларини кўзлаб судларга 18 миллион сўмдан ортиқ 57 та даъво аризаси, қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон, фермер ва тадбиркорлар манфаатини кўзлаган ҳолда хўжалик судига 91 миллион сўмлик 19 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг қаноатлантирилиши таъминланди. Корхона, ташкилот ва хўжаликларга етказилган 87 миллион сўмлик моддий зарар ихтиёрий ундирилган.

Жумладан, Президентимизнинг **«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ва **«Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонлари ижроси юзасидан текширишлар ташкил қилинганида кўпгина корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан мазкур Фармон талаблари қўпол равишда бузилиб, айрим мансабдор шахсларнинг ўзларига юклатилган вазифаларга масъулиятсизлик билан қараши аниқланган, натижада 3 та маъмурий ва интизомий иш қўзғатилди, 6 нафар шахс расман огоҳлантирилди, 1873,0 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилиб, 17 миллион 375 минг сўмни ундириш борасида 53 та даъво аризаси киритилди.

Президентимизнинг **"Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан ишлаб чиқилган дастур ижроси юзасидан аҳолининг газ ва электроэнергия, транспорт хизмати билан таъминланиш аҳволи юзасидан 20 дан ортиқ текшириш ўтказилиб, 115 нафар шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди, 105 нафар шахс интизомий, 84 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 18,6 миллион сўмлик моддий зарар ихтиёрий ундирилиб, 17 миллион сўмлик моддий зарарларни ундириш борасида судга 90 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонун бузилиш ҳолатлари бўйича 8 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Нурота тумани электр тармоқлари корхонасининг раҳбар ва моддий жавобгар шахслари жиноий тил бириктириб, туманда тугатилган 12 та хўжалик юритувчи субъект ҳисобига 582,2 миллион сўмлик тасдиқланмаган қарз суммасини ҳисоботга қўшиб ёзиб, ҳисоботларни сохталаштирганлиги аниқланди, улар Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, "а" банди, 209-моддаси, 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳозирги кунда барча туман ва шаҳар прокуратураларида 007 рақамли ишонч телефонлари тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тезкор йўллар билан бартараф этишга шароит туғдирмоқда.

Президентимизнинг **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ижросига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган жами 85 та текшириш ва мониторинглар натижаларига кўра, 1 минг 420 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ўтказилган мониторинглар давомида пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экишга мўлжалланган 80,5 гектар майдон ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги, 140 гектардан ортиқ майдондан мақсадсиз фойдаланилганлиги ёки ноқонуний ажратилганлиги аниқланди, уларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Бахтиёр ЖАМОЛОВ,
Навоий вилояти прокурори

Қонунни буздингми?..

энди жавоб берасан

Ижтимоий ҳимоя

Бировнинг ҳақига хиёнат

кечирилмайди

ВИЛОЯТ прокуратураси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан бир қатор назорат тадбирларини ўтказиб келмоқда.

ШУНДАЙ назорат тадбирларида Кармана туманидаги "Гурда" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтган "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига риоя этилмаганлиги аниқланди. 2008 йил давомида бюджетдан ажратилган лимитга риоя этилмасдан икки ёшгача фарзанди бор оналарга нафақа тайинланиши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғининнинг "Халқ банки"даги 2 ёшгача нафақалар ҳисоб рақамида 2008 йил декабрь ойи учун маҳаллий бюджетдан ажратилган 1 миллион 966 минг сўмлик нафақа пуллари шу ой учун тўланиши таъминланмасдан, 2009 йилнинг февраль-март ойлари нафақа пулларига қўшиб тўлашга йўналтирилган. Оқибатда, 2008 йил декабрь ойи учун 82 нафар онага 4 миллион 598 минг 600 сўмлик нафақа пуллари тўланмасдан қолган.

Мазкур ҳолат юзасидан Кармана тумани молия бўлимининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шўъбаси бошлиғи Л. Бобоевга нисбатан интизомий, "Гурда" МФЙ раиси Н. Юлдашевга, "Халқ банки" Кармана тумани бўлимининг нафақалар бўйича мутахассиси М. Турдиевга нисбатан МЖтКнинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатиш, туман молия бўлими мудираси Х. Нарзиева ва Халқ банки бошқарувчиси А.Ҳасановлар келгусида қонуннинг бузилишига йўл қўймасликлари ҳақида расман огоҳлантирилди. 82 нафар онага 4 миллион 598 минг 600 сўмлик нафақа пуллари тўланиши таъминланиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Эркин АҲМАДЖОНОВ,
Навоий вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ютуқлар адлия, прокуратура ва суд идораларининг ўзаро ҳамкорлиги самарасидир.

Коллеж, лицей ўқувчиларининг билимларини оширишда прокуратура органлари ходимларининг алоҳида ўрни бор.

Соғлигинг – бойлигинг

Сертификати йўқ, давлат рўйхатига олинмаган

дорилар ўзгалар соғлиғига хавф солмоқда

ДОРИ воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш, тайёрлаш, республикага олиб келиш, улгуржи ва чакана савдо фаолияти юзасидан вилоят прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда аниқлаган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳокими номига тақдимнома киритилди. 18 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахсга нисбатан маъмурий ва 6 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

ЎТКАЗИЛГАН назорат тадбирларида ноқонуний равишда дори воситалари билан савдо қилаётган шахслардан олиб қўйилган дори-дармонларнинг 26 турдагиси Ўзбекистон Республикасида Давлат рўйхатига олинмаганлиги ҳамда 736 турдаги дори воситаларининг мувофиқлик сертификати мавжуд эмаслиги ва меъёрлар даражасида сақланмаганлиги сабабли фармакологик хусусиятига кўра инсон ҳаёти ва соғлиғига турли даражада салбий таъсирлар кўрсатиши мумкинлиги сабабли тиббиётда қўллаш ман этилиши ва истеъмолга яроқсиз деб топилиши ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат марказининг ҳудудий бўлими томонидан хулоса берилган.

Жумладан, Ф.Нурназарова Хатирчи туманидаги "Пармидон саховати" МЧЖга қарашли "Зарафшон" фермерлар уюшмаси ҳудудидаги бозорда ҳужжатсиз дори воситаларини аҳолига сотаётганлиги ҳолати юзасидан муқаддам туман судининг қарори билан МЖтКнинг 164-моддаси, 3-қисми асосида маъмурий жазога тортилди. Бироқ, шунга қарамасдан 2008 йил 11 июнда ўтказилган текширишда у ноқонуний фаолиятини давом эттириб, яна аҳолига 343 минг 300 сўмлик 125 турдаги дори-дармон воситаларини ноқонуний равишда сотаётган вақтида ушланиб, дори воситалари тегишли тартибда далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат марказининг Қарши ҳудудий бўлими шўъба корхонасининг 2008 йил 16 июндаги 153-сонли хулосасига кўра Ф.Нурназаровадан олиб қўйилган дори воситаларининг 9 тури давлат рўйхатига олинмаганлиги, 116 турдаги дори воситаларининг мувофиқлик сертификати йўқлиги ва меъёрлар даражасида сақланмаганлиги сабабли фармакологик хусусиятига кўра инсон ҳаёти учун турли даражада салбий таъсирлар кўрсатиши мумкинлиги боис тиббиётда қўллаш ман этилиб, истеъмолга яроқсиз деб топилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ф.Нурназарова суд томонидан қонуний жазосини олди.

Хатирчи тумани марказида яшовчи дорифуруш М. Баҳриддинова ҳам худди Ф.Нурназарова каби ноқонуний фаолият юритган. Дори-дармон воситаларидан бойлик орттириш васвасасига тушган М.Баҳриддинова ҳам жазо муқаррарлиги таъминланди.

Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган тадбирда Зарафшон шаҳрининг Мурунтов кўрғонида яшовчи З.Холиқулов ҳеч қандай ҳужжатсиз, тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан ва лицензиясиз, турли давлатларда ишлаб чиқарилган 101 турдаги 131 минг 824 сўмлик дори воситаларини сотаётганлигини аниқланган. Далилий ашё сифатида олинган дори воситалари ваколатли идора хулосасига кўра истеъмолга яроқсиз деб топилган.

Инсон саломатлигини тиклаш учун дори харид қилади. Харид қилган дори уни дарддан фориғ қилиш ўрнига унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатса бундан ёмони йўқ. Шундай экан, дори-дармон воситаларини сотишда фақат ўз манфаатини ўйлаган, ўзгалар соғлиғини ўйламаган кимсалар бойлик орттириш васвасасига учмасдан, тўғри ва қонуний иш олиб борсалар яхши бўларди. Инсон соғлиғи билан боғлиқ ишларда фақатгина чўнтакни кўзлаб иш юритиш яхшиликка олиб келмайди.

Ашраф ЖЎРАЕВ,
Навоий вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

Материалларни газетанинг Навоий вилояти бўйича мухбири Маруса ҲОСИЛОВА тайёрлади

Меҳнат шартномаси

У қандай тузилади?

МЕҲНАТ КОДЕКСИДА меҳнат шартномаси тушунчаси, уни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, шунингдек, иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддатларига оид масалалар халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича ёритилган.

ХОДИМ ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар. Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа номатив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Мазкур шартнома ёзма шаклда тузилади ва у номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ҳамда муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Меҳнат кодексининг 97-моддасига биноан, меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

— тарафларнинг келишувига кўра, ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

— тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

— муддатнинг тугаши билан;

— тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

— меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Мустақиллик даврида ишлаб чиқилган меҳнат қонунчилигида иш вақти тушунчасига ҳам катта эътибор қаратилди. Иш вақти халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 115-моддасига асосан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан ортиб кетмаслиги лозимлиги белгиланди. Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида қаралади.

Меҳнат қонунчилигининг пухта ва жаҳон талаблари асосида ишлаб чиқилиши ушбу устувор масалаларнинг ҳуқуқий пойдеворларидан биридир.

Озода СОТВОЛДИЕВА,
Юнусобод тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Ҳуқуқий маърифат

ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ қонунларда белгилаб қўйилган мурожаат қилиш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятлари демократлаштириш жараёнининг чуқурлашиб боришида муҳим аҳамиятга эга.

Мурожаат ва шахсий эҳтиёж

жамият ҳаётига дахлдорликни ҳам ифодалайди

"ФУҚАРОЛАРНИНГ мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда ариза, шикоят ва таклифларнинг мақсади, уларни давлат идораларига бериш тартиби, кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларга эътиборсизлик билан қараганда жавобгарлик масалалари белгиланган. Бир сўз билан айтганда, ушбу Қонун фуқароларга ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга ёрдам беради.

Мазкур Қонунга асосан, фуқаролар давлат идораларига оғзаки ёки ёзма шаклда ариза, шикоят ва таклиф билан мурожаат этишлари мумкин, уларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эгадир. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги лозим. Мурожаатларда фуқаронинг ўзи ҳақидаги маълумотлари, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Агар фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни кўрсатмаса ёки сохта маълумотларни кўрсатса, шунингдек, муаллиф имзоси қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним, деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Қонунга мувофиқ фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади. Бундай мурожаатларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Шунингдек, ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади ҳамда фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, қонунда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари билан биргаликда, жавобгарлик масалалари ҳам ўз аксини топган. Яъни фуқаронинг тўҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ва шикоят берганлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланиши бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар мурожаатларига оид миллий қонунчилигимиз фуқароларнинг ихтиёрийлик асосида ҳар қандай давлат органига мурожаат этиш ҳуқуқларини кафолатлайди ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишларини таъминлайди.

Тилов АБДУЛЛАЕВ,
Ғаллаорол туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Савол беринг, жавоб берамиз

«Фаолият бошлашга чўчиброқ турибман»

— Мен тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман, бироқ бундай фаолиятни бошлашдан сал-пал чўчиброқ турибман, чунки бир танишим фаолият юритишни бошлашинг билан текшириш келади, деб айтди. Шу тўғрими?

Муродилла АКБАРОВ,
Тошкент шаҳри

Ушбу саволга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Одил АЛЛАЕВ жавоб беради.

— Авваломбор, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни амалдаги қонун талабларига риоя этган ҳолда олиб боришни мақсад қилган экансиз, бирор-бир текширишдан чўчимаслигингиз лозим.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини қисқартириш, хўжалик юритувчи фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинган.

Ушбу Фармонга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини эса улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслик белгиланган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказилиши тартиби юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган **"Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"**ги Низом ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонунга итоаткор тадбиркор давлат ҳимоясида эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Тадбир

Енгил-елпи ижролар

нимага ўргатади?

НЕЧА минг йил илгари ёзиб қолдирилган тарихий битикларда ҳам ёшлар тарбияси ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар учрайди. Бундан кўринадики, инсоният ер юзида ўз ҳаётининг давомчиси ҳисобланган ёшларнинг яхши инсон бўлиб вояга етишига бефарқ қарамаган. Азалдан халқимиз бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб, катта ёшдагилар қаерда бўлмасин, ўғил-қизларнинг ўзини тутиши, муомаласи, меҳнат ва илмга муносабатини назардан четда қолдирмаган. Шу билан бирга, ёшлар маънавиятида санъатнинг ўзига хос ўрин тутганлиги халқимизнинг миллий санъатимизга бўлган жиддий эътиборида ҳам яққол кўзга ташланади.

Адлия вазирлигида **"Ёшлар тарбиясида санъатнинг ўрни ва аҳамияти"** мавзуида ўтказилган учрашув-мулоқотда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда таниқли публицист ва адиб Аҳмаджон Мелибоев ҳозирги кунда мухлислар эътиборига ҳавола қилинаётган турли жанрлардаги ижод намуналарининг туб моҳияти, мазмуни ёшлар маънавиятини нимага етаклаши ҳам муҳим жиҳат эканлигини таъкидлади. Содда қилиб айтганда, улар томоша қилаётган санъат асарлари ўғил-қизларга нимани ўргатишига эътиборли бўлишимиз лозимлигини қайд этди.

Айрим тутуриқсиз, енгил-елпи ёзилган ва эфирда такрор-такрор берилаётган "ижод" намуналари ўсиш, шаклланиш палласидаги ўсмир-ёшлар дидини чархлаш ўрнига ўтмаслаштиради, албатта. Фарзандларимизда оддий инсоний фазилатлар, самимий туйғулар мустаҳкамланишида мусиқа, кино санъатининг ҳам ҳаётий таъсири борлигини эътироф этиш жоиз. Бинобарин, оилада ҳам, жамиятда ҳам болалар, ўсмирёшлар доим тақлид қилишга мойил эканлигини унутиб бўлмайди. Бу уларнинг дунёни ўрганишга, ҳамма нарсани билиш ва уддалашга бўлган эҳтиёжи билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга томошабинда ҳам ўз маънавиятига, дидига нисбатан масъуллик ҳисси бўлмоғи даркор. У нимани томоша қилиш, эшитиш ёки ўқишни танлай билиши ҳам керак.

Қизғин савол-жавоб тарзида ўтган учрашув йиғилганларда катта таассурот уйғотди.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасида ички хавфсизлик инспекцияси томонидан навбатдаги йиғилиш ўтказилди.

Аниқ кўрсатмалар берилди

ҲУДУДИЙ бошқарма масъуллари ва департамент инспекторлари, туман суд ижро бўлимлари катта суд ижрочилари иштирок этган мазкур йиғинда тизим ходимларига қонунбузилишларга йўл қўймаслик, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш, ижро ҳаракатлари ижросини таъминлашда сансоларлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилмаслик, умуман, бундай салбий ҳолатларга кескин барҳам бериш юзасидан тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга йиғилишда **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва шу каби қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай амал қилиш кўрсатиб ўтилди.

Отажон АЛИМОВ,
Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ички хавфсизлик инспекцияси бош инспектори

Хизмат маданияти

Автобус йўловчини туртиб кетди

Жамоат транспорти қатновида ҳайдовчилар одоб-ахлоқи, маданияти қай даражада?

ШУ ЙИЛ 14 сентябрь куни эрталаб соат 10 дан ўтганда кўчада бир кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлдим. Тошкентнинг "ТТЗ" турар-жой манзилидаги "Диадора" савдо дўкони қаршисида 19-маршрут бўйича қатнайдиган автобус бир қарияни туртиб юборди. Қария чалқанча ерга қуларди. Ҳайдовчининг эҳтиётсизлигими ёки отахоннинг йўл-ҳаракати қоидасини бузганлигими, англаш қийин бўлди. Бироқ ҳайдовчи дарҳол йўловчиларни автобусдан туширириб, жароҳатланган қарияни шифохонага олиб кетди. Бировлар уни "тўғри қилди" дейишса, бошқа бировлар "йўқ, "тез ёрдам"ни чақириб, қарияни жўнатиб, ўзи йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари келгунча жойидан жилмай туриши керак эди, чунки воқеа қандай ҳолатда, кимнинг айби билан юз берганини аниқлаш зарур", дейишди. Ишқилиб, қария соғ-омон қолган бўлсин, аммо кейинги гапда жон бор. Чунки, агар ҳайдовчи йўл қўйган хатосига яраша тегишли жазо олмаса ёки юз берган ҳолатдан тўғри хулоса чиқармаса, яна эҳтиётсизлик қилаверади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам айбни ҳасса таянган, қўли ва оёғи қалтироқ қарияларга ёки ўйинқароқ ёш болаларга тўнкаб бўлмайди. Бутун масъулият ҳайдовчи зиммасига тушади.

Гап ҳайдовчи масъулияти ҳақида борар экан, бу масалага жиддий эътибор қаратмоқчимиз.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларидан яхши биламиз, шу йилнинг ўзида Миср, Туркия, Мексика, Россия ва бошқа бир қанча мамлакатларда сайёҳлар билан боғлиқ бир неча жиддий автоҳалокатлар юз берди. Ҳаммасининг текшириш натижалари эълон қилинди — айбдорлар асосан ҳайдовчилар: ё рулда ўтириб мизғиб кетишган, ё тезликни ошириб бошқаролмай қолишган, ё тажрибасизлик қилишган, ё спиртли ичимлик ичиб, сархуш ҳолатда бошқаришган. Айниқса, Москвада автоҳалокатлар кўп. Деярли ҳаммасига ҳайдовчиликни касб қилиб олганлар ва шахсий машина эгалари сабабчи.

Хўш, бизда юқоридаги каби эҳтиётсизлик қилиб ёки тажрибасизлик туфайли туртиб юборишларга кимлар сабабчи? Узоқ масофаларга, яъни вилоятларга қатнайдиган автобусларни қўятурайлик-да, Тошкент шаҳридаги автобуслар ҳаракатидан мисол келтирайлик.

Шаҳардаги яп-янги, чиройли автобусларни кўриб кўзингиз қувонади. Айниқса, катта ёшли, тажрибали, муомала маданияти юксак ҳайдовчиларнинг хизматидан мамнун бўласиз. Бироқ аксарият ҳайдовчилар ёш йигитлар. Уларнинг айримлари хизмат маданияти тугул, оддий муомала одобини ҳам билмайди. Афсуски, кейинги пайтларда бундайлар кўпайиб бораяпти. Бир қўли рулда, бир қўли эса уяли телефонда, бир қулоғи ўлдим-куйдим мусиқаси оҳангида, бир қулоғи эса ёнига стулча қўйиб ўтқазиб олган "жонон"нинг севги изҳор қилаётган ноласида, кўзлари олазарак, ҳовлиқма, сўзи дағал йигитчаларни деярли ҳар йўналишда учратасиз. Бундай пайтда ҳайдовчи масъулияти ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Ишқилиб, бирорта фалокат юз бермасайди, деб юрак ҳовучлаб ўтирасиз.

Баъзан ўйланиб қоласан киши: ўнлаб одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдираётган масъулиятсиз ҳайдовчиларни ким тартибга чақиради?

Уларнинг баъзан ўзаро қатнов вақтини қизғаниб ёки бекатларда жой талашиб бир-бирларига айтган уятли ҳақоратларини эшитсангиз, нафратланасиз. Бир куни ўша 19-йўналишдаги автобус ҳайдовчиси 400 сўм эмас, атиги 350 сўм пули бор бир йўловчини оғзига келган уят гаплар билан ҳақоратлади. Мен бу ҳолатни ўша куниёқ шаҳар транспорт тармоғи раҳбарларига қўнғироқ қилиб айтдим. Шаҳардаги замонавий, чиройли автобусларга тарбия кўрган, яхши хулқли ҳайдовчилар керак, дедим.

Ёки бошқа бир ҳолат. Автобус "Олой бозори" бекатига келиб тўхтади. Автобусга чиққан бир йўловчи йигитга ҳайдовчи шундай деди:

— Нима, ҳомиладормисан?!

— Нега ундай деяпсиз?! — ҳайрон бўлди йигит.

— Нега олдинги эшикдан чиқдинг?

— Шунга шунчами!..

— Туш, автобусдан! — ўшқирди ҳайдовчи.

У тушиб кетганидан кейин ҳам ҳайдовчи орқасидан ғудраниб қолди.

Бундан зинҳор ва зинҳор барча ҳайдовчилар шундай экан, деган хулоса чиқармаслик керак. Улар онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. Ачинарлиси шуки, жанжал қўзғаб, асаббузарлик қиладиган йўловчилар ҳам бор. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат маданияти ва муомала одоби ҳар иккала томон учун ҳам зарур. Бироқ буни ҳар бир йўловчидан талаб қилиш қийин. Унинг ўзига инсоф берсин. Аммо ҳайдовчи зиммасидаги масъулият хизмат маданиятига амал қилишни талаб этади.

Хизмат маданияти деганда нафақат яп-янги автобуслар, маршрутларнинг кўплиги ва қулайлиги, қатнаш жадвалига риоя этишдаги интизом, ҳайдовчи билан йўловчи ўртасидаги муомала-муносабат, балки ҳайдовчининг касб одоби талабларига ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиши, шунингдек, автобусни бошқариш маҳоратини такомиллаштира бориб, тажрибасини бойитиши ҳам тушунилади. Шундагина ҳаракат хавфсизлиги таъминланиб, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисанинг олди олинади. Йўловчиларга шу керак.

Яна бир мулоҳаза. Автобусларда қулоқни қоматга келтирадиган олатасир мусиқа шартми? Унинг ўрнига микрофон орқали бекатларни эълон қилиб боргани ҳамда вақти-вақти билан: "Хурматли йўловчилар! Илтимос, ёш болали, ногирон ва катта ёшдаги йўловчиларга жой беринглар!" деб ёшларни огоҳлантириб боргани яхши эмасми? Чунки, ҳозир ғарбнинг турмуш тарзига берилган ва ўтириш ҳуқуқи борлигини пеш қиладиган айрим ёшлар қарияларга жой бермай қўйишган. Энди бир қўлда рулни бошқариб, бир қўлда уяли телефонда гаплашишга келсак, бу масалада йўл-патрул хизмати тизимида қабул қилинган тартиб-қоидага қатъий риоя этиш зарур. Эҳтимол бекатларда автобус тўхтаб турганида гаплашиш мумкиндир.

Ҳайдовчи автобусни бошқариб бораётганида нафақат қизлар билан чақчақлашишига, балки танишлари билан бемалол суҳбатлашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Шак-шубҳасиз, бунинг назорати транспорт тармоғининг масъул ходимлари зиммасида. Шунингдек, бугунги вазият ҳайдовчилар ўртасида хизмат маданияти ва муомала одоби борасида тарбиявий ишларни кучайтиришни тақозо этмоқда. Шундай экан, шаҳар транспорт тармоғи раҳбарлари бу масала устида жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Автобус ҳайдовчилари ҳақида айтилган гап-сўзлар шахсий енгил машиналар эгаларига ҳам тегишли. Аксарият ҳолларда автоҳалокатлар ўшаларнинг айби билан содир бўлаяпти. Баъзи бойвачча ёшлар борки, улар қўллари рулга текканда ўзларини гўё космик кемани бошқариб бораётгандай ҳис этишади. Улар нафақат ёш болаларни, ҳасса таянган ёки мункайиб қолган қарияларни, балки йўл-патрул хизмати ходимларини ҳам назар-писанд қилишмайди. Чунки, жарима тўлаш ёки янги гувоҳнома олиш улар учун ҳеч гап эмас.

Бу гаплар барча шахсий машина эгаларига эмас, балки ҳовлиқма, такаббур, бойлик қутуртирган, тарбияси бузилган, ҳали жуда ёш ва ҳаёт тажрибаси бўлмаса-да, ота-онаси қимматбаҳо машина олиб бериб қўйган ҳайдовчиларга тегишли. Кўпинча уларга танбеҳ ҳам, тарбиявий гаплар ҳам таъсир қилмайди. Шунинг учун ундайларни кўрганда Тангри бошқаларни унинг касофатидан сақласин, деб дуо қиласиз.

Кўчада автобус туртиб юборгандан кейин чалқанча йиқилган қариянинг аянчли ҳолати мени ушбу мақолани ёзишга ундади. Бизда инсон қадри азиз экан, биз журналистлар ҳам кўз-қулоқ бўлишимиз шарт. Кўриб — кўрмасликка, билиб — билмасликка олиш, ҳаётда ҳамма нарсага лоқайд ва бефарқ муносабатда бўлиш инсонни залолат ботқоғи сари етаклаб, меҳр-оқибатсиз мунофиққа айлантириб қўяди. Шунинг учун жим туролмадик.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Китоб ва китобхон

Ташвиқот ҳақида рисола

"ТАФАККУР" нашриёти Наталья Темировонинг "Ҳуқуқий тарғибот — давр талаби" номли илмий-оммабоп рисоласини 3000 нусхада чоп этди.

Рисола ўқувчи-ёшлар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

МАМЛАКАТИМИЗ ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан бормоқда.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилаётганлиги, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш учун замонавий билим масканлари барпо этилиши, уларнинг камолоти учун барча шарт-шароитларнинг яратилиши мураббийлардан катта масъулият талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, сиёсий жараёнлар натижасида тилимиздаги янги иборалар турли атамалар ва тушунчалар турмушимизга сингиб бормоқда. Шундай тушунчалардан бири сиёсий маданиятдир.

Хўш, сиёсий маданият нима? Мустақиллик даврида унинг ўрни қандай? Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий-маънавий қадриятларнинг ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлиги нималардан иборат?

Рисола муаллифи Наталья Темирова юқоридаги саволларга қонуний жавоб бериш борасида ўқувчини мулоҳазага, баҳс-мунозарага чорлайди. Бу ўз-ўзидан кенг фикрлашга, сиёсий маданиятли фуқаро бўлишда қандай йўл тутишда ёшларга сабоқ беради.

Ушбу рисола ўқувчи-ёшларга ва китобхонларга мақбул бўлади деган умиддамиз.

Шуҳрат РАСУЛОВ,
юридик фанлари номзоди,
Анвар ХИДИРОВ,
ўқитувчи

Тошкент вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги 31/2009-сон қарорига мувофиқ, Қуйичирчиқ тумани давлат нотариал идораси нотариуси Наров Рустам Иноятовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2004 йилда берилган, серияси 1-TS 000111 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси 3 ой муддатга тўхтатилди.

ЭЪЛОН!

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.
Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-366) 233-13-59, 233-71-57

1993 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон фристайл федерациясининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 11 июндаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 127 (222)-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва шатмплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг 2009 йил 8 сентябрдаги буйруғига асосан Абдуллаев Нормат Ражабовичга Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июнда берилган HZ — 000032 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 23 сентябрдаги 17-сонли қарори билан Юсупов Шарофиддин Зойировича номига Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан 2004 йил 7 ноябрда берилган SA 000117-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси номуайян муддатга тўхтатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси жамоаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Мардон Маҳмудовга муҳтарама волидаси

Гулбиби ЁСИНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановича
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлкин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-815. Тиражи — 13444. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 4 5